

У.Р.Турдиев,  
Ўзбекистон миллий университети  
мустақил изланувчиси

## **ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА КИБЕРХАВФСИЗЛИК МУАММОСИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада киберхавфсизлик муаммосини тадқиқ этишнинг концептуал жиҳатлари таҳлил этилган. Хусусан, киберхавфсизлик тушунчасининг мазмуни, бу борадаги муаммолар, уларнинг юзага келиш сабаблари очиқ берилган. Шунингдек, мақолада Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизлини таъминлаш борасидаги ислохотлар, уларнинг норматив-ҳуқуқий асослари ҳамда халқаро рейтинглардаги иштироки ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** киберхавфсизлик, кибермакон, кибермаданият, гибрид урушлар, таҳдид, хавф, фишинг, дастурий таъминот, халқаро рейтинг.

## **НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ПРОБЛЕМЫ КИБЕРБЕЗОПАСНОСТИ В ЭПОХУ ГЛОБАЛИЗАЦИИ**

**Аннотация.** В настоящей статье анализированы концептуальные аспекты исследования проблем кибербезопасности. В частности, раскрыты содержание понятия кибербезопасности, проблемы на этой сфере и причины их возникновения. А также, в данной статье освещены реформы в Республике Узбекистан по обеспечению кибербезопасности, нормативно-правовые основы и участие в международных рейтингах.

**Ключивые слова:** кибербезопасность, киберпространства, киберкультура, гибридные войны, угроза, опасность, фишинг, программное обеспечение, международный рейтинг.

## **SOME ISSUES OF THE CYBER SECURITY PROBLEM IN THE GLOBALIZATION ERA**

**Annotation.** This article analyzes the conceptual aspects of the study of cybersecurity problems. In particular, the content of the concept of cybersecurity, problems in this area and the reasons for their occurrence are disclosed. And also, this article highlights the reforms in the Republic of Uzbekistan to ensure cybersecurity, regulatory frameworks and participation in international rankings.

**Key words:** cybersecurity, cyberspace, cyber culture, hybrid wars, threat, danger, phishing, software, international rating.

Бугунги кунда дунёда ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ахборот хавфсизлиги соҳасида ишлаб чиқиляётган ва такомиллаштириляётган қонунлар ва қонуности ҳужжатлари бунга яққол мисол бўла олади.

Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда ушбу жараёнда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот хавфсизлиги ҳамда киберхавфсизликни таъминлаш масалалари мамлакатнинг устувор стратегик ва умуммиллий вазифаси ҳисобланиб, давлат ва жамият томонидан ўзаро муштарак, биргаликда саъй-ҳаракатларни амалга оширилишини талаб этади.

Киберхужумлар нафақат ахборотларга нисбатан, балки ривожланган давлатларни геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан бирлаштирди десак ҳам муболаға бўлмайди. Биз бунга 2008 йилда РФнинг киберхужумлари, ўша йилнинг июль ойида Грузиянинг интернет-инфратузилмасини бузиши, 2012 йилда Исроил ва АҚШ Эроннинг ядровий дастурининг бузишга уриниши ёки Эроннинг Пентагонга хужумларини айтишимиз мумкин<sup>1</sup>.

Бизга маълумки, 2020 ички ахборот хавфсизлиги бозори 25 фоизга ўсди.<sup>2</sup> Бошқача айтганда, бу ўсишнинг учта сабаби бор. Биринчидан, ахборот хавфсизлигина ўрганишга бўлган илмий эҳтиёж, иккинчиси, ахборот хавфсизлигини тобора долзарблашиб бориши асосида янги таҳдидлар ва уларнинг сонини ўсиши натижасида кибержиноятчилик фаолиятининг йилдан-йилга ривожланиши. Шунга кўра, бугун халқаро муносабатларда COVID – 19 пандемиясининг кучайиши оқибатида киберхавфсизлик бозорида давлатлар, компаниялар ҳамда халқаро даражадаги ТМК алоҳида ўз ҳамкорликлари ва бизнесларини алоҳида таваккалчиликка асосланиб олиб боришдан хавотир хиссини кучайтирди. Яъни пандемия шаротида бизнес вакиллари, давлат хизматчиларининг масофавий иш тизимига ўтиши, банклардаги пулларни музлатилиши оқибатида кибержиноятларнинг ривожланиши авж олди. Дунё бўйлаб интернетдан фойдаланиш мумкин бўлган корпаратив хизматларнинг зиф томонларига нисбатан хужумлар сони ошиш кўпайди. Натижада давлат ва хусусий секторларнинг дастурий таъминотидаги заифликлар ва камчиликларга нисбатан хужумлар уюштириш 2020 йилга келиб 30 фоизгача (биринчи чоракда 9%ни ташкил қилган) ўсишига олиб келди. Бу кибержиноятчиларнинг давлат ташкилотчилардан тортиб – компанияларнинг тармоқларидаги кибер жосусликкача бўлган масофани эгаллади. Бу эса, бугунга келиб кибер хавфсизлик бозорида хавфсиз муҳитни яратишнинг тренд даражасига олиб келиши билан бирга илм-фан олдида ҳам янги муаммолар, концепцияларни яратиш заруриятини юзага келтирди.

---

<sup>1</sup> Блэквилл Р., Харрис Дж. "Война иными средствами" Геоэкономика и искусство управления государством. Издание на русском языке AST Publishers, 2017. – С. 105.

<sup>2</sup> Кибербезопасность 2020–2021. <https://www.ptsecurity.com/>

**Киберхавфсизлик тушунчасининг концептуал мазмуни.** Замонавий сиёсий-ҳарбий фанларда “киберхавфсизлик”, “кибермакон”, “кибермаданият”<sup>3</sup>, “Proxу war”, “гибрид урушлар” каби категориялар кириб келди. Бу категорияларни тушунишга бўлган талабнинг ортиши давлат ва жамиятнинг назарий ва амалий эҳтиёжлари билан боғлиқ. Чунки янги бир шароитда киберхавфсизлик муаммоси бўйича қарор қабул қилига бўлган зарурий эҳтиёж мазкур масалаларни чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

«Кибержиноятчилик» тушунчаси ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда, виртуал тармоқда даҳшат солиш, вирус ва бошқа зарарли дастурлар, қонунга зид ахборотлар тайёрлаш ва тарқатиш, электрон хатларни оммавий тарқатиш (спам), хакерлик хужуми, веб-сайтларга ноқонуний кириш, фирибгарлик, маълумотлар бутунлиги ва муаллифлик ҳуқуқини бузиш, кредит карточкалари рақами ҳамда банк реквизитларини ўғирлаш (фишинг ва фарминг) ва бошқа турли ҳуқуқбузарликлар билан изоҳланади.<sup>4</sup>

“Киберхавфсизлик” категория сифатида – манбаларда турлича талқин этилади. Жумладан, киберхавфсизлик - бу ахборот тизимлари, тармоқлари, ва дастурларини рақамли ҳужумлардан ҳимоялашга қаратилган фаолиятдир. Одатда бундай ҳужумлардан мақсад махфий маълумотларни қўлга киритиш, уларни ўзгартириш ёки йўқотиш, фойдаланувчилардан пул талаб қилиш ёки бизнес жараёнларини издан чиқаришдан иборат<sup>5</sup>. Бошқача айтганда киберхавфсизлик бу – тасодикий ва атайин қилинган ахборий ҳужумлардан ҳимояланиш демакдир. У кўп қиррали фаолият соҳаси бўлиб, унга фақат тизимли ва комплекс ёндашув муваффақият келтириши мумкин.

Шу ўринда кибертерроризм ва унинг жамият ҳаётига солаётган хавфининг қўлами ҳам ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Кибертеррористик ҳаракат (киберхужум) - компьютерлар ва ахборот коммуникация воситалари ёрдамида амалга оширилган, одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига бевосита хавф туғдирадиган ёки потенциал хавф туғдириши мумкин бўлган, моддий объектларга катта зарар етказиши ёки шунга олиб келиши мумкин бўлган, ижтимоий хавфли оқибатларнинг бошланиши ёки мақсади бўлган сиёсий сабабдир. Замонавий террорчилар учун кибермакондан фойдаланишнинг жозибадорлиги киберхужумни амалга ошириш катта молиявий харажатларни талаб қилмаслиги билан боғлиқ.<sup>6</sup>

Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бугун киберхавфсизликнинг таҳдид турлари сифатида қуйидагиларни киритиш мумкин:

**Фишинг** – бу ахборот қабул қилувчиларнинг хабарларига ўхшаган ёлғон электрон почта хабарларини юбориш тушинилади. Ушбу жиноятнинг мақсади

<sup>3</sup> Маданиятни ривожлантиришдаги технократ янги йўналиш. У компьютер ўйинларининг имкониятлари ва виртуал воқелик технологияларини ишлатишга асосланган. Ўша манба.

<sup>4</sup> Васенин В.А. Информационная безопасность и компьютерный терроризм. <https://www.crime-research.ru>

<sup>5</sup> [https://www.cisco.com/c/ru\\_ru/products/security/what-is-cybersecurity.html](https://www.cisco.com/c/ru_ru/products/security/what-is-cybersecurity.html)

<sup>6</sup> Ибрагимов В. Кибертерроризм в Интернете до и после 11 сентября 2001: угрозы и нейтрализация. <http://www.crimeresearch.ru/articles/vagif>

кредит карта рақамлари ва ҳисобга олиш маълумотларининг махфийлигини ўрганиш ҳисобланади.

**Вирус товламачилари ёки тарқатувчилари** – фойдаланувчининг тўлов тўлаш жараёнида компьютер тизимларига киришни блокировка қилиш орқали маблағларни ўғирлаш тушинилади.

**Зарарли дастурий таъминот** – бу компьютерга рухсатсиз кириш ёки зарар етказиш учун мўлжалланган дастурий таъминот ҳисобланади.

**Ижтимоий муҳандислар** – ҳужумчилар махфий маълумотларини ошкор қилиш учун сизни алдаш орқали ижтимоий муҳандислардан фойдаланади. Улар сизни пул ўтказмангиз ёки махфий маълумотларга киришни таъминлашингизни сўрашлари орқали жоноятларни содир этишлари мумкин.

**Веб серверлар** – веб дастурларда маълумотларни ажратиб олиш ва нотўғри кодларни киритиш орқали қилинаётган ҳужумларни кўришимиз мумкин. Кибер жиноятчилар ўзлари ривожлантираётган веб серверлар орқали нотўғри кодни тарқатадилар. Шунингдек, кодни шифрлаш, IPv6: янги интернет протоколи орқали уюштирилаётган таҳдидларни айтишимиз мумкин.

**Кибермакон** – бу тушунча ёзувчи Уилям Гибсон томонидан 1984 йили “Cyberspace” (“Кибермакон”) деб номланган трилогиянинг биринчи романи “Neuromancer” (“Нейромант”) чоп этилиши билан боғлиқ. У дунёнинг барча компьютерларидаги электрон маълумотлар айланиб юрадиган виртуал маконни таърифлайди<sup>7</sup>. Кибермакон компьютер тармоқлари орқали амалга оширилаётган мулоқот майдонини ҳисобланиб, бу 1990 йилдан бошлаб кенг миқёсида ривожланиб, такомиллашиб келмоқда. Ижтимоий нуқтаи-назардан кибермакон деганимизда - компьютер тармоғи орқали бир-бири билан боғланган ва бир вақтнинг ўзида турли географик нуқтада кесишувчи ҳар қандай мавжуд компьютернинг график сифатидаги маълумотларига ўралашиб қолган кишилар ёки гуруҳлар жамоаси тушунилади.

Бугун сиёсий жараёнларда динни сиёсийлашуви натижасида кибермаконда дин ниқобидаги таҳдидлар кучайиб бормоқда. Улар дин ниқоби остидаги экстремистик ташкилотларнинг сайтларида асосан давлат тўнтарилиши ва хунрезлик урушлари ҳақида диний раҳномаларнинг даъватларига оид маълумотларни жойлайди. Бу маълумотларни ҳамда даъватлар ёшлар онгида кучли психологик жиҳатдан таъсир кўрсатиш орқали ўзларининг қармоқларига илдириб олишга йўналтирилган. Масалан, экстремистик гуруҳлар томонидан “Odnoklassniki”, “Facebook”, “Instagram”, “Twitter”, “Vkontakte” ижтимоий тармоқларида “Мустафо мужохид” “Абул мовия”, “Ансор-ансор”, “Абу али” каби ўзларининг сохта профилларини яратиш орқали бузғунчилик ва ёт ғояларни тарғиб қилувчи ғоя ва даъватларини ёшлар онгига руҳий таъсир ўтказиб, уларни “жиҳод” қилиш учун Яқин Шарқ давлатларига чиқиб кетишга чорламоқда.

**Кибермаданият** – маданиятни ривожлантиришдаги технократ янги йўналиш. У компьютер ўйинларининг имкониятлари ва виртуал воқелик

---

<sup>7</sup> Қаранг: Ахборот коммуникация технологиялари изоҳли луғати. БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. – 2010. – 573 б.

технологияларини ишлатишга асосланган тушунча ҳисобланади<sup>8</sup>. Бу атама бугунги глобал ахборот маконида виртуал тармоқдаги ижтимоий онгга салбий таъсир этувчи, яъни вайронкор-бузғунчи, ахлоқ меъёрларига тўғри келмайдиган ва ноҳолис мазмундаги ахборотлардан фойдаланишнинг онгли равишда чекланилиши тушунилади.

**Proxy war** – (инг. вакил ёки воситачилик уруши) ҳисобланиб - учинчи томон донорларининг аралашуви натижасида ресурслардан фойдаланган ҳолда жангавор ҳаракатлар орқали ўз мақсадларига эришиш мақсадида, икки давлат ўртасидаги мажораларни сақлаб қолиш ва уни узайтириш ҳисобланади<sup>9</sup>.

**Гибрид урушлар** – “Юмшоқ куч” сиёсати асосида ҳарбий куч ва воситаларидан фойдаланган ҳолда таъсир ўтказиш воситасидир. “Гибрид уруш” – сиёсий, мафкуравий ва бошқа соҳаларда доимий манипуляция билан уйғунлашган кўринишда анъанавий, тартибсиз ва ассиметрик воситалардан фойдаланиш ҳисобланади<sup>10</sup>.

**Глобал маконда Ўзбекистоннинг киберхавфсизликни таъминлашдаги иштироки.** Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизлик соҳасига тегишли бўлган 17 та қонун ҳужжати, 9 та Президент Фармон ва Қарорлари, 14 та Вазирлар Маҳкамасининг Қарори, шунингдек тегишли нормалар ва кўплаб идоралараро меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритиш” деб номланган бешинчи йўналиш доирасида мамлакатнинг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни рўёбга чиқариш, киберхавфсизлик соҳасининг норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш белгиланган эди.

Хусусан, 2020-2023 йилларга мўлжалланган киберхавфсизликка доир миллий стратегияни, “Киберхавфсизлик тўғрисида” ги қонун лойиҳасини ҳамда Ўзбекистон Республикаси ягона ахборот сиёсати концепцияси ишлаб чиқиш белгиланди. Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2018 йил 21 ноябрдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори ҳисобланади. Мазкур Қарорга асосан, “Техник қўмаклашиш маркази” давлат унитар корхонаси “Киберхавфсизлик маркази”га айлантирилди. Айнан мазкур марказни қайта ташкил этишдан ҳам мақсад мамлакатимизда “хавфсиз ахборотлашган жамият” муҳитини яратишга қаратилган устувор ислохотлар вазифалар белгилаб берилган.

Қолаверса, Ўзбекистон сўнгги йилларда халқаро рейтингларда иштирок этишининг нормати-ҳуқуқий асослари ҳам белгилаб берилди. Бундан мақсад,

<sup>8</sup> Қаранг: Ахборот коммуникация технологиялари изохли луғати. БМТТДнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. – 2010. – 573 б.

<sup>9</sup> Қаранг: Andrew Mumford. Proxy Warfare [War and Conflict in the Modern World](#). Wiley, 2013. – p. 13

<sup>10</sup> Қаранг: <https://regnum.ru/news/polit/2421809.html>



Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий халқаро рейтинг ва индексларда ўрнини яхшилаш, бу борада мутасадди вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали мувофиқлаштириш, халқаро майдонда мамлакатимиз мавқеини янада юксалтириш, хорижий рейтинг агентликлари билан ҳамкорликни тизимли равишда ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги<sup>11</sup> ПФ-5687-сонли ҳамда 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон фармонлари қабул қилинди<sup>12</sup>. Мазкур фамон билан Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслар бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари (кейинги ўринларда — КРІ) тасдиқланди. Бу кўрсаткичларни тизимли таҳлил қилиб бориш мақсадида Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди. Мазкур кенгашнинг асосий вазифаси этиб:

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий тараққиёт даражасини тизимли таҳлил қилиб бориш, турли соҳаларда амалга оширилаётган туб ўзгаришларнинг Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадларига хизмат қилишини таъминлаш, мазкур йўналишдаги ишларнинг самарадорлигига тўсиқ бўлаётган муаммоларни бартараф этиш;

- Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш мақсадида давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини такомиллаштириш, жамиятни демократлаштириш, илғор халқаро тажрибага асосланган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш бўйича ташаббусларни илгари суриш;

- давлат ва жамият ҳаётининг турли жабҳаларини тартибга солишга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индекслардаги мамлакатнинг ўрнига таъсири нуқтаи назаридан комплекс баҳолаб бориш белгилаб қўйилган. Мазкур Кенгаш ўз фаолиятини Ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ва индекслар соҳада ишчи гуруҳларга бўлинган ҳолда халқаро рейтинг ва индекслар бўйича олиб боради. Айнан Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларда ўрнини яхшилаш борасида олиб

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартдаги “Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чора-тадбирларни тизимлаштириш тўғрисида”ги ПФ-5687-сонли Фармони/ <https://lex.uz/docs/4230916>

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги ПФ-6003-сон Фармони/ <https://lex.uz/docs/4838762>

борилаётган ислохотларида Электрон ҳукуматни ривожлантириш индекси (E-Government Development Index)да:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги Фармони билан “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси”<sup>13</sup> тасдиқланди. Мазкур стратегияда ҳам мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, барча тармоқлар ва соҳаларда, энг аввало, давлат бошқаруви, таълим, соғлиқни сақлаш ва қишлоқ хўжалигида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш белгилаб қўйилган. Хусусан, стратегияда “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегиясининг мақсадли кўрсаткичлари, трансформация қилиш дастури, амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси, тармоқлар ва ҳудудларни ахборот технологиялари соҳасида Ўзбекистон Республикасининг хорижий мамлакатлардаги дипломатик ваколатхоналарига бириктириш амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқилган. Умуман олганда мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистонда рақамли технологияларни ривожлантириш асосида халқаро имиджини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳисобланади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бу таҳлиллар киберхавфсизлик масаласининг долзарблигини яна бир бор тасдиқлайди, боиси дастурий заифликлар бузғунчига ахборот тизими ёки веб-сайт, шунингдек, файл ва маълумотларга масофадан кириш, фуқароларининг шахсий маълумотлари чиқиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Киберхавфсизлик чоралари бу каби ҳолатларнинг олдини олади.

Фуқароларни киберхужумлардан ҳимоялаш учун оммавий ахборот воситаларида, ахборот тарқатувчи қурилмаларда ва электрон пул ўтказмалари жараёнларида ҳимояловчи код (парол)лар воситасида фойдаланиш зарур. Ушбу код сир сақланиши, қурилмалардаги антивирус дастурлари доимий равишда фаоллаштириб борилиши керак.

Ўзбекистон рақамли иқтисодиётга аста-секин ўтмоқда. Бундай шароитда маълумотларни сақлаш, етказиш ва қайта ишлашда хавфсизлик ва барқарорлик муҳим омил ҳисобланади. Бу борада, айниқса, давлат органлари ходимларидан маъсулият ва эътибор талаб этилади. Аҳоли, ёшлар ўртасида, жамоаларда киберхавфсизлик мавзусидаги семинарлар ташкил этиш лозим. Бу каби тадбирлар дастур бузувчи(хакер)ларнинг мунтазам равишда бўлиб турадиган кичикхужумларини бартараф этишга ёрдам беради.

Умуман олганда Ўзбекистонда киберхавфсизликни таъминлаш бўйича олиб борилаётган тизимли ва фундаментал ёндашув, ягона норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини яратиш, илғор хорижий тажрибани жорий этиш, инновацион усуллардан кенг фойдаланиш давлат ахборот сиёсатини самарали олиб боришга ҳамда ахборот хавфсизлиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга хизмат қилади.

---

<sup>13</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон — 2030” стратегияси” ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони/ <https://lex.uz/docs/5030957>

Бу эса ахборот коммуникация ва технологиялари тизимини замонавий кибертахдидлардан ҳимоя қилиш, турли даражадаги тизимлар учун киберхавфсизлик бўйича замонавий механизмларни жорий этиш, мазкур соҳада давлат органлари, корхоналар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилаш, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш кабиларни амалга ошириш орқали белгиланади. Бу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификациялаш орқали киберхавфсизликни таъминлашни такомиллаштириш мумкин.

Юртимизда олиб борилаётган барча ислохотлар замирида халқимизга қулайликлар яратиш мақсади ётибди. Киберхавфсизликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши рақамли имкониятлардан ишончли ва хавфсиз тарзда фойдаланишга асос бўлади.